

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎЗГАРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 март куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик корхоналар фаолияти билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чиноз тумани сув ҳўжалигида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Маълумки, глобал иқлим ўзгариши туфайли сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Сўнгги 50 йил давомида Марказий Осиёдаги музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Кишлоқ хўжалиги экинлари асосан эгатилаб сугорилмоқда. Кўп ерлар лазерли ускуна билан текисланган. Коллектор-дренаж тармоқлари эскирган. Буларнинг оқибатида сув жуда кўп исроф бўлмоқда.

Лекин айни пайтда аҳоли сони ўсиб, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ортмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари суви тежаш, унинг аниқ ҳисобини юритиш ва самарали фойдаланиш зарурлигини доим таъкидлаб келади. 2020 йил 10 июлдаги Президент фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида шу борадаги барча масалалар ўз ифодасини топган. Ушбу концепцияга мувофиқ, жорий йил 24 февралда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг уч йиллик стратегияси қабул қилинди. Унда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириш бориш, бу соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Чиноз тумани Янгиобод кишлоғидаги экин майдони айнан шундай ишлар натижаси. Бу жойда 1 миллион 350 минг доллар инвестиция эвазига 850 гектар ер қайта ўзлаштирилган. Жами 202 минг куб метр сифимга эга 3 та сув ҳавзаси барпо этилиб, экинларни томчилаштириш йўлга қўйилган.

Янги кўрик ерининг 702 гектарига қўшқатор усудда, плёнка остида "Анджон-72" навли пахта экилади. Бунинг учун замонавий сеялкар олиб келинган. Улар чигит экиш билан бир вақтда томчилатиб сугориш шлангларини ўрнатиб, плёнка билан ёпиб кетади. 148 гектарда экспортбоп полиз маҳсулотлари етиштирилади. Жумладан, унинг бир қисми ишсиз ёшларга бўлиб берилади.

Экиндан олдин сотишни ўйлаш керак. Ерни тadbиркорга бериш зарур. Чунки у бозорни билади, рақобатни билади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайта фойдаланишга киритилган бу ерларда 220 киши доимий, 1 минг 200 дан зиёд аҳоли мавсумий иш билан таъминланади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чиноз туманидаги Эшонобод маҳалласини бориб кўрди.

Бу ерда 3 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида "Обод кишлоқ" дастури доирасида уйлар, мактаблар, йўллар ва коммунал тармоқлар таъмирланиб, замонавий маданият саройи барпо этилди.

Файзобод кўчасида қад ростлаган маҳалла марказида "Обод ва хавфсиз маҳалла", "Маҳалла раиси — ислохотчи" тамойиллари асосида фуқаролар билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизимни самарали жорий этиш учун барча имконият яратилган. Бинода маҳалла фуқаролари йигини раиси, унинг ўринбосари ва турли йўналишлар бўйича маслаҳатчилари, профилактика инспектори ўзaro уйғун ва самарали фаолият кўрсатади.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, дам олиш шароитларини яхшилаш учун "Китобхонлар боғи"нинг барпо қилинган маҳалла ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу хиёбон — мамлакатимиз ва жаҳондаги энг нодир меъморий обидаларнинг ихчам макетларини ўзида муҳассас этган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалланинг турли миллатга мансуб вакиллари билан суҳбатлашди.

— Бугун келишимдан мақсад — Тошкент вилоятида ҳам замонага муносиб шароит яратиш. Вилоятда салкам 3 миллион аҳоли бор. 150 минг нафари ишсиз. Шунинг учун ҳар бир маҳалладаги "ўсиш нуқталари"ни топиб, шунга жавобгарларни белгилаб, керакли маблағларни бериб, одамларни иш билан таъминлашимиз керак. Ичимлик суви, электр энергияси, йўл, таълим ва бошқа шароитларни яхшилаш зарур. Бу мақсадлар, йирик ва ўрта лойиҳалар учун вилоятга 119 триллион сўм йўналтирилади. Хали ҳеч бир вилоятда бундай марра олинмаган, — деди Президент.

Мулоқотда Чиноз туманидаги ўзгаришлар, имкониятлар ҳақида ҳам гапирилди.

— Ўзи Чиноз туманида ишсиз бўлиши керак эмас. Ери кенг, одамлари меҳнатқаш. Ҳар бир уйда, ҳар бир кўчада маданият бўлиши керак. Халқимиз айтганидек, олма пиш, оғзимга туш, деган билан натижа бўлмайди. Биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзгаришларни истасак, ҳаммамиз онгли равишда ўзгаришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳаллада давлат хизматлари маркази соҳобчаси, банк филиали, тиббиёт пункти, тикувчилик корхонаси ҳам ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари "Кўжакент текстил груп" корхонасидаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Бу ерда икки сменада 500 нафар хотин-қиз ишламоқда. Охириги бир ярим ойда 100 минг долларлик тайёр кийимлар экспорт қилинган. Корхонанинг ўзида тиқиш-бичишни ўргатувчи 200 ўринли ўкув маркази ҳам очилган.

Мутасаддиларга тadbиркорларга

қўмаклашиб, бино ва маблағлар ажратиб, бундай кичик корхоналарни кўпайтириш ва 3 минг нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

"Маҳаллабай" тизими асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Энг аввало, одамларни ташвишлантираётган муайян масалалар аниқланди. Булар сув, йўллар, чироқ, бандлик масалаларидир. Мавҳум, узоқ муддатга мўлжалланган эмас, 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилди.

Агар дастурлар тўлиқ амалга оширилса бир йилдан сўнг мавжуд муаммоларнинг каттагина қисми ҳал этилади, камбағалликни қисқартиришга эришилади.

Президентимиз шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги "TCT Cluster" кластери томонидан бунёд этилган шолени қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди.

"TCT Rice" номи ушбу масъулият чекланган жамиятда шолени етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ санат занжири яратилган. Утган йили 2,6 миң гектардан ортиқ ерда "Лазурний", "Искандар", "Мустақиллик", "Нукус" наваридан мўл ҳосил етиштирилган.

Айтиш жоизки, илгари шолиторлар фаолияти тарқоқ бўлгани учун тузук даромад ололмади. Айниқса, шолени қайта ишлашда кўплаб муаммоларга дуч келинард.

2021 йил 2 февралдаги "Шолени етиштиришни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўрисида"ги Президент қароридан сўнг соҳада ўзгаришлар бошланд.

"TCT Rice" мажмуаси майдони ҳам илгари ташландиқ жой эди. 27 миллиард сўмликдан зиёд лойиҳа туфайли ушбу 6 гектар ҳудудда замонавий мажмуа барпо этилди. У хирмон майдони, умумий сифими 15 миң тонналик 2 та ёпик омбор, шолени тозалаш ва куришти цехи ҳамда қайта ишлаш заводи ни ўз ичига олган.

Шолени тозалаш ва куришти цехи тўртта линия билан жиҳозланган. Уларнинг ҳар бири орқали бир сменада 120 тонна шолени куришти имкони бор. Бу ерда бошқа дуккакли маҳсулотларни тозалаш ва куришти ҳам мумкин.

Шолени қайта ишлаш заводи Туркиянинг "Yashar Makina" компанияси ускуналари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида энг юқори навардаги гуруч маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Чунки "аклли" ускуналар гуручни нафақат катта-кичкилиги, балки ранги бўйича ҳам саралайди.

Ҳозирги пайтда завод бир йилда 40 миң тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Истиқболда режалаштирилган иккинчи босқич ҳам ишга туширилган, корхона қуввати икки баробарга ортади.

Бу ерда замонавий лаборатория ҳам

бор. Қабул қилинаётган шоленинг намлиги, куриштиш ва қайта ишлаш жараёнлари, шунингдек, гуруч маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари доимий назорат қилиб борилади.

"Даладан дастурхонгача" тамойили асосида иш юритаётган шолечилик кластерида жорий йилда ҳосилдорликни 60 центнердан ошириш, хорижга 100 миң АҚШ доллари миқдорига гуруч экспорт қилиш режалаштирилган. "TCT Rice" корхонасида 365 нафар, умуман, кластерда 8 миң 750 нафар аҳоли ишламоқда.

— Мана, инсон ҳуқуқлари деймиш. Энг катта ҳуқуқлардан бири — иш билан таъминланиш. Бизнинг ҳамма ҳаракатларимиз шунга қаратилган. Одамларни ишлаб қилсақ, аҳоли жон бошига даромадни кўпайтирсак, сотиб олиш қобилияти ошса, бошқа ҳамма ҳуқуқлар ўзи жой жойига тушади. Шунинг учун Тошкент вилоятини ишсизлик минимал даражада бўлган ҳудудга айлантирмоқчимиз. Вилоятда бунинг учун ҳамма шароит бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Асосий эътибор экспортни кўпайтириш, янги бозорларни ўзлаштиришга қаратилмоқда. Хусусан, келгуси йили гуруч экспортини 500 миң АҚШ долларига етказиш мўлжалланган. Бундан ташқари, "TCT Cluster" кластерининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган тўрт босқичли лойиҳаси доирасида 114 миллион долларлик тайёр тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Шу ерда вилоятда кишлоқ хўжалиги ва тўқимачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Қайд этилишича, 2021-2022 йилларда кишлоқ хўжалиги йўналишида мевасабзаёт, доривор ўсимликларни қайта ишлаш, музлаткич, агрологистика маркази, чорвачилик мажмуаси, иссиқхоналар барпо этиш, узумзор ва боғ яратиш каби лойиҳалар амалга оширилади.

Ушбу мақсадлар учун 218,4 миллион доллар, шу жумладан, қарийб 95 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилиб, 7 миң 800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Жумладан, жорий йил якунига қадар 40 миң гектар узумзор, 60 миң гектар боғ ташкил этилади.

Охангарон ва Паркент туманларида "Textile technologies group" масъулият чекланган жамияти томонидан агросанат кластери ташкил этилади. Қиймати 60,3 миллион доллардан иборат мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи 2021-2022 йилларда амалга оширилиб, 40 миң гектар яйлов ва лалми ер майдони ўзлаштирилади.

Лойиҳанинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичида эса 5 миң бош насли қорамол, 50 миң қўй ва эчки боқши йўлга қўйилиб, чорвачилик комплекси, сутни қайта ишлаш корхонаси, ёғ экстракцияси заводи, дон ва омихта емни қайта ишлаш корхонаси барпо этилади.

(Давоми 2-бетда) ►

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган тарихий нутқи мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Юртимизнинг ўқув муассасалари ҳамда илмий-маърифий доираларида анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Муносабат

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашидаги ташаббуслари:

«Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик» тамойили — амалда



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан яқинда Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидаги нутқида юридик фан ва амалиёт учун бел-

гиланган вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтazилди. Tadbir Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Дунёда ҳеч бир инсон табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимояланган эмас. Шу маънода фуқаро ўзига боғлиқ бўлмаган тарзда фавқулодда вазиятдан жабр кўрса, давлат уни ҳимоя қилиши зарур.



Моҳият

Офатлардан жабр кўрганлар давлат божси ва консуллик йиғимидан озод қилинмоқда

Оддий мисол: фавқулодда ҳолат туфайли фуқаро соғлиги, мулкидан ташқари зарур ҳужжатларини ҳам йўқотса, унинг ҳужжатлари тикланиши давлат ҳисоби-

дан амалга оширилиши ман-тиқан асосли. Чунки ҳужжат ва ҳуқуқ тушунчалари маз-мун жиҳатидан бир-бирига жуда уйғун.

(Давоми 2-бетда) ►

Ҳаётда одам асоссиз, ноҳақ жазога тортилса, умрининг бир неча йилини тутқунликда ўтказса, унинг чеккан алам ва изтиробини тасаввур қилиш жуда қийин. "Танаси бошқа дарр бимас" деб бекорга айтишмайди. Буни адолатсизлик ва ноҳақликка учраган, тухматнинг аччиқ таъмини татиб кўрган кишигина тушунади.

Оқлов

Эзгулик ифодаси

ёки исботини топмаган айбловлар

Зомин тумани давлат солиқ инспекцияси "Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими" декларация шубҳаси бошлиги лавозимида ишлаган Абдужалил Юсупов таъйиқ остида берилган кўрсатмалар, шубҳагумон ва тухматдан иборат асоссиз далиллар билан қамоққа олинган. Биринчи босқич судининг 2010 йил 8 октябрдаги ҳукмига кўра, у

Жиноят кодексининг 210-лик инспекцияси "Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланиб, уч йил солиқ идоралари ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан ва ўн йил орти оғир муқддатга озодликдан маҳрум этилган.

(Давоми 2-бетда) ►



Қадрият

Янгилашни ва покланиш айёми

Инсон — табиат фарзанди. Қадимда инсон ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми ҳисоблаган ва ундан айро ҳолда яшамган. Шу боис табиат ва инсон кўнглидаги ўзгаришлар бир-бирига боғлиқ кечадиган талқин этилган. Наврўз байрами билан боғлиқ анъана ва уғумлар ана шу уйғунликнинг меваси ҳисобланади.

Инсоният тарихи Одам Ато ва Мома Ҳаво билан бошланган, деган қараш мавжуд. Аслида уларни катта тимсол деб англаш ўринли. Қайсидир маънода Наврўзни биринчи одам ва унинг жуфти билан боғлаб талқин этишда жон бор. Чунки одамзод ер юзида пайдо бўлибдики, вақтнинг ўтиши, кун-тун, ҳафта, ой, йил тушунчаларининг даврийлигини кузатган, тажрибалари билимга айланган. Йилнинг аввали белгиланган.

Юртимизда кўшнинг чиқиш-ботиши, фаслларнинг алмашуви, айнан кун ва тун икки бора 21 март ва 22 сентябр ойлари-

да тенг келиши, кўклам (ёз) ва куз (қиш)нинг боши экани қадим замондаёқ одамларга маълум бўлган. Ана шу тенгликнинг кўкламги, бутун табиат уйғунувчи даврини йилбоши деб белгилаш анъанага айланган. Шу сабабли ҳам Наврўз тарихи ilk аждоғларга бориб тақалади, дейиш мумкин. Тўрт-беш миң йиллик тарихга эга қоятошдаги суратлар, археологик топилмалари, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий ва бошқа олиму адиблар асарларида бунга оид далиллар бисёр.

(Давоми 4-бетда) ►

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қазрамони

Наврўз

Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра қуртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйку,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Қишининг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўқмоқда эришган муз.
Жилва қилаетир тенгиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Она бағри каби ялғиз олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда ҳазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Яна кўшгилардан рутубат кетди,
Яна шўлалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.



Оқлов

Эзгулик ифодаси

ёки исботини топмаган айбловлар



◀(Бошланиши 1-бетда)

Айблов хулосасида ёзилишича, А.Юсупов мансабдор шахс бўла туриб, Х.Маматовнинг "Дамас" русумли автомашинасида махсус рухсатнома...

сатмаларига асосланган. Бу Бош прокуратура, Олий суд, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигининг...

Бундан ташқари А.Юсупов Зомин тумани марказидаги бозорда савдо фаолиятини амалга ошириш учун тегишли хужжатларни расмийлаштирмасдан...

Аслида амалдаги қонун талабига асосан аризачиларнинг кўрсатмаларидан ташқари бошқа объектив далиллар аниқланмаганда жиноят иши кўзгатилиши, шахс қамоққа олиниши, жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги...

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди кассация инстанциясининг 2016 йил 3 мартдаги ажримига кўра, биринчи босқич судининг А.Юсуповга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилган ва унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси саккиз йил муддатга белгиланган.

Бироқ жиноят иши ҳужжатларида жабрланувчи ва гувоҳларнинг А.Юсуповга пора берганлик ҳақидаги кўрсатмаларидан ташқари Қўшма кўрсатмада белгиланган шахсга нисбатан айб ёллон қилишга асос бўлган объектив далиллар мажмуни ташкил этувчи бирон-бир аниқ мезон мавжуд эмас.

Орадан бир неча йил ўтган бўлса-да, адолат ва ҳақиқат юзага чиқишига қатъий ишонган А.Юсупов Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибидеда шикоят эъди. Уз навбатда, судлов ҳайъатининг 2020 йил 19 июндаги ажрими билан А.Юсуповга нисбатан чиқарилган кассация инстанциясининг ажрими бекор қилинди ва жиноят иши янгидан кўриш учун юборилди.

Биринчи босқич суди А.Юсуповнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда таъмагирилик йўли билан такоран пора олиш ва пора олишга суиқасд қилганини ўзида акс эттирувчи рад этиб бўлмайдиган далилларсиз, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширмаган ҳамда ишда юзага келган масалани ҳал қилишда айбланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқламаган. Жабрланувчи ва гувоҳларнинг пора бергани ҳақидаги кўрсатмалари асосидеги А.Юсуповга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган.

Кассация инстанцияси очик суд мажлисида А.Юсупов шикоятдаги ваҳларни қувватлаб, жиноят иши ўзига нисбатан қасддан тўхмат йўли билан уюштирилгани, иш бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган шахслардан моддий манфаатдор бўлмагани, улардан пул ёки бошқа нарсаларни талаб қилмагани, гувоҳ ва жабрланувчилар тазикч туфайли кўрсатма беришгани, тергов ва судда улар билан юзлаштирилмагани, айбловда қайд этилган жиноятларни содир этмагани сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Шу сабабли кассация судлов ҳайъати биринчи босқич судининг 2010 йил 8 октябрдаги ҳукмини бекор қилди ва жиноят таркиби бўлмагани сабабли А.Юсупов оқланди.

Суд муҳокамасида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатмалари ҳақиқатни тўлиқ ойдинлаштирди.

Аниқланган ҳолатларга кўра, А.Юсуповнинг зиммасига қўйилган айбловлар фақатгина дастлабки тергов даврида жабрланувчиларнинг А.Юсуповга пора бергани ва бу ҳолатни тасдиқлаш ҳақидаги кўрсатмалари асосида қўйилган бўлиши аниқланди.

Низомиддин ЭРНАЗАРОВ, Анвар ХОМИДОВ, Жиззах вилояти суди судьялари

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИГА МУНОСИЪ ШАРОИТ ЯРАТИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎЗГАРАДИ

◀(Бошланиши 1-бетда)

Чирчиқ — Тошкент вилоятининг энг йирик бешта шахрдан бири. Пойтахтга яқинлиги, ишлаб чиқариш корхоналари кўплиги аҳоли сони ва уй-жойга бўлган талаб ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарнинг Шодлик маҳалласида қурилган 4 та 16 қаватли уй аҳолининг ўсиб бораётган талабини таъминлашга қаратилган. Уларда жами 288 хонадон бўлади. Тўрталаси ҳам шу йил фойдаланишга топширилади.

Ушбу уйлар қисқа муддатда қуриб битказилади. Зилзилабардошлиги юқори, замонавий Hi-Tech усулида бунёд этилган. Йўлакери кенг, ҳар бир йўлакка иккитадан лифт ўрнатилган. Чунки бу уйларда хонадонлар сони кўп.

Уйларнинг шишти баланд, газ қувурлари фасад қисмидан ўтган. Бу ёнгинг хавфсизлиги жиҳатидан ҳам ишончли. Ҳар бир квартира ёнгин ўчириш тизими ва газ анализаторлари билан таъминланган. Агар газ ҳиди чиқса, хонадонга келаётган табиий газ оқими автоматик тарзда ўчирилади.

Бу — Тошкент вилоятида қурилган дастлабки 16 қаватли уйлар бўлиб, Чирчиқ шаҳрига янги қиёфа бахш этган.

17 та хонадон ногиронлиги бор ҳамда уй-жойга муҳтож аёлларга, 15 таси ўс хосида алоҳида ўрнатилган кўрсатмадан фойдаланиш имконияти берилди.

Чирчиқни инновацион, инвестицион шаҳар қилиш мумкин. Шунинг учун ҳамма биноларни инвентаризациядан ўтказиш керак.

Бу ерда ҳамма инфра-тузилма бор. Автомобиль ва темир йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, жамоат транспортини ривожлантириш керак. Қулайлик яратилса, аҳоли ҳам, ишбилармонлар ҳам келади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Чирчиқ шаҳар иссиқлик таъминот корхонасини ҳам бориб кўрди. Чирчиқ шаҳрида жами 911 та кўп қаватли уйга 14 та қозонхона хизмат кўрсатади. Шулардан бири 1957 йилда қурилган. Бу қозонхона очик тизимда ишлабди. Яъни, шаҳар ичимлик суви тармоғидан сув олиб, уни иситиб, хонадонларга таркатади.

Ташкилот чирчиқ шаҳрига кўчма маълумот берилди. Шаҳардаги 90 километр иссиқлик тармоқларининг 49 километри таъмирталаб экани айтилди.

◀(Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода айна кунларда Парламент кўйи палатасида кўриб чиқилаётган "Давлат божни тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, ушбу лойиҳа билан амалдаги қонуннинг 11-моддасига киритилаётган ўзгартиришларга кўра, нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод этиладиганлар тоифасига — Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, маийий тусдаги офатлар, яъни тураар ва нотураар жойнинг ёнгини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнгини юз бергани оқибатида жабрланган жисмоний шахслар киритилган.

Шу моддага қўшимча ҳам киритилмоқда. Унга асосан,

Моҳият

Офатлардан жабр кўрганлар

давлат божини ва консуллик йўғимидан озод қилинмоқда

ларнинг дубликатлари, кўчирма нусхалари ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестридан кўчирмалар давлат божини берилиши белгиланган бўлганда, шунингдек, ушбу қонуннинг 13-моддаси "Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ва соҳасидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва беришда давлат божини тўлашдан озод қилиш", деб қайта номланмоқда.

Офатлар юз бергани оқибатида жабрланган жисмоний шахсларга: ●Ўзбекистон Республикаси фуқароси (биометрик паспорт); ●Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет давлат фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга (яшаш учун рухсатнома) ID-картаси; ●Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиб биоиметрик паспорти; ●Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсининг хорижга чиқиб

биоиметрик ҳаракатланиш ҳужжати; ●Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган чет давлат фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга фуқаролиги бўлмаган шахсга паспортнинг ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг йўқолгани ҳақидаги маълумотномани ҳамда Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжати такрорий берганлик учун улар давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, қонуннинг 14-моддасига ҳам қўшимчалар киритилмоқда.

Махалла раиси Муборак Абдурахимова Президентга ҳудудда икки ярим йилдан буён жиноятчилик қайд этилмаганини айтди.

Президент йўл-йўлакай меҳнат фахрийлари билан ҳам самимий суҳбатлашди. Улар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, Чирчиқ шаҳридаги ўзгаришлардан мамнун эканини айтиб, дуолар қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманидаги "Евро Глобал Инвест" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бугун юртимизда қурилиш кўлами кенг. Шу боис янгича дизайндаги темир-бетон материалларига талаб юқори.

Ўтган йили декабрда иш бошлаган "Евро Глобал Инвест" корхонаси йирик йиғма темир-бетон панеллари тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллион евро. 7 гектарлик ишлаб чиқариш майдонига Италия, Германия ва Австриядан замонавий линиялар келтириб ўрнатилган.

Корхона маҳсулотлари жаҳон стандартларига мос. Мазкур қурилиш материаллари ишлатилган уйлар таннархи бошқаларга нисбатан 30 фоиз арзон бўлади. Маҳсулотлар рангли қилиб тайёрланиши ҳам мумкин.

Кластер усулидаги корхона йилига 500 микв куб метр бетон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 1 миллион тонна тош майдалаш, яна шунча асфальт тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда, шунингдек, ички ва ташқи эшиклар, дераза ромлари, мебеллар ҳам ясалмоқда.

Давлатимиз раҳбари материаллар ишлаб чиқариш ва қурилишнинг тўлиқ "занжири"ни ташкил этиб, уй-жойлар нарҳини янада арзонлаштириш, кўпроқ ёшларни ишга жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

— Шундай кластерларни бошқа ҳудудларда, Самарқанд ва водий вилоятларида ҳам кўпайтириш керак. Қурилишда энг муҳими нарх, сифат ва муддат. Шунинг учун рақобатбардор қурилиш материаллари тури кўп бўлса, нарх-наво арзонлашади. Бу корхонада малакали муоассасислар тайёрлаш учун марказ ташкил этиш керак, — деди Президент.

Корхонада айна пайтда 850 нафар ишчи меҳнат қилди. Йил якунигача иш ўринларини 1 миң 500 тага етказиш режалаштирилган.

Шу ерда 2021-2022 йилларда Тошкент вилоятида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

ЎЗА

Яъни офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар уларнинг йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган қонунда белгиланган ҳужжатларини тиклаш чоғида, шунингдек, ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхаси, дубликати ҳамда уларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотномалар Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан талаб қилиб олинганда консуллик йиғимини тўлашдан озод қилиниши таклиф этилмоқда.

Мазкур нормаларнинг қонунчилигимизда акс эттирилиши ижтимоий адолат ва одиллик тамойилларига тўлиқ мос келади. Энг муҳими, бу янгиликларнинг барчаси инсон манфаатларига хизмат қилади.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Жиноятга жазо муқаррар

Фириб

сўмлик маблағини осонгина қўлга киритади.

Бироқ фирибгар ҳамтоволар бу билан қаноатланмайди. Улар яна Баҳромжонни аврашга тушади: — Биз ҳам банкдан кредит олиб, Ўзбекистонга АҚШдан тиббиёт анжомларини олиб келмоқчимиз. Шунинг учун бирорта мулкнигишни гаровга қўйиб турсангиз, сизга ўша мулкнигишни даромади билан қайтарамиз...

Хитойдан ускуна келишини сабрсизлик билан кутаётган Б.Насимов бу таклифга ҳам розилик билдиради. Шундан сўнг "Asia Alliance Bank"дан "Global-Medxpres Asia" МЧЖга 4.300.000.000 сўм миқдорда кредит ажратилиши учун ўзининг таъсисчиликдаги "Qoqon Farm Zavodi" масъулияти чекланган жамиятига тегишли қиймати 1.500.000 АҚШ долларига тенг бўлган 4 та тиббиёт синтети лаборатория дастгоҳини гаровга қўяди.

доллари "Turon Capital Management LLC" компанияси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Шартномага мувофиқ бу пул "Zengzhou Dingsheng Machine Manufacturing Co.Ltd" компанияси ҳисобига ўтказилиши керак эди. Аммо фирибгарлар бундай қилишмайди. Бундан беҳабар Баҳромжон Насимов ускуна етказиб беришни тезлаштиришни сўраб, Умарбек ва Ирисбойни кистай бошлади. Шунда фирибгарлар ускуна пули тўлиқ ўтказиб берилмаса, хитойликлар уни юрмаслигини маълум қилиб, қолган йиғирма беш фоизлик маблағни ҳам беришни талаб қилишади. Иши тезроқ битишини истаган тадбиркор бу гапга лаққа ишонади. Натижада 2018 йил 15 ноябр кuni 510.992,97 АҚШ долларини ҳам "Turon Capital Management LLC" компанияси ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Натижада фирибгарлар унинг 17.000.000.000

ямиз бор. Агар биз билан шартнома тўзсангиз, сизга ўша ускунани тезроқ етказиб берамиз, — дея Баҳромжонни аврашади.

Қисқаси, Б.Насимовнинг ишончига кирган фирибгарлар 2018 йил 22 август кuni "Astoria Invest" МЧЖ қўшма корхонаси, "Turon Capital Management LLC" компанияси ва "Zengzhou Dingsheng Machine Manufacturing Co.Ltd" компанияси ўртасида қиймати 2.060.350 АҚШ долларига тенг бўлган ZZAG-2 сонли уч томонлама шартномани тузишга муваффақ бўлишади. Ушбу шартнома акциядорлик тижорат "Asia Alliance Bank"га тақдим этилиб, 2018 йил 18 октябрда банк билан "Astoria Invest" МЧЖ қўшма корхонаси сотиб олиб, Қўқон эркин иқтисодий зонасида ишга тушириш ҳақидаги бизнес режасидан хабар топгач, тадбиркорнинг маблағига эга бўлишни режалаштиради. — АҚШда "Turon Capital Management LLC" деб номланган компани-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

ЯНГИ ТАШАБУСУЛАР ВА ХУҚУҚШУНОСЛИК СОҲАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори:

— Ўзбекистон Президенти ўз нутқида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича тўхталди. Нутқда парламент, ҳукумат, суд ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари билан бир қаторда юридик соҳа вакиллари олдида турган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим вазифалар, жумладан, таълим, одил судлов, қийноқлар билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш устувор вазифадир. Бунга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида амалга ошириладиган қамровдор ишлар самаралари яққол мисол бўла олади.

Жорий йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганининг 10 йиллиги кенг нишонланади. Бугунги кунда БМТга аъзо 20 тадан ортиқ давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий ҳаракатлар дастурлари қабул қилинган бўлиб, давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим масаласига эътиборини кучайтирмоқда.

Мамлакатимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури парламент томонидан тасдиқланган. Ушбу Ҳаракатлар дастури бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган тадбирлар изчил бажарилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида таълим муассасаларида "Инсон ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари" ва "Бола ҳуқуқлари" бўйича ўқув курсларини, шунингдек, "Инсон ҳуқуқлари оид халқаро ҳуқуқ" мутахассислиги бўйича қўшма магистратура йўналишини (консорциум) жорий қилиш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузурида "Инсон ҳуқуқлари" ихтисослиги бўйича фан доктори (DS) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун илмий кенгаш иш бошлади. Марказда Инсон ҳуқуқлари фаолияти бўйича ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига бундан кейин ҳам содиқ қолади. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлни бошида турганимизни янши тўшунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз".

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ВА ХУҚУҚИ ТАЪЛИМ СИФАТИ: ЎЗАРО БОГЛИҚ

Мурод ТУРҒУНОВ,
Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти директори:

— Миллий ва хорижий таъриба шуни кўрсатадики, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, аввало, жамиятда ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тафаккур шакллантирилгани ҳамда мамлакатдаги ҳуқуқий таълим сифатига боғлиқ. Шу маънода бир қатор муҳим омилларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, юртимизда Парламент томонидан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури амалга оширилмоқда.

Муносабат

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашидаги ташаббуслари: «Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик» тамойили — амалда

Иккинчидан, 2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмни такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Учинчидан, кейинги йилларда юртимизда ҳуқуқий соҳани, юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш борасида Президентимизнинг 20 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Шу асосда, хусусан, Тошкент давлат юридик университети "юриспруденция" мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди. Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилди.

Давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълим соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ташкил этилди. Унинг ҳузурида Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича Мувofiқлаштирувчи кенгаш фаолият бошлади.

"Инсон ҳуқуқлари" ихтисослиги бўйича илмий даражалар берадиган бундай Кенгаш МДҲ доирасидаги бирон-бир мамлакатда ҳали мавжуд эмас.

ХУҚУҚНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Музаффар МАМАСИДДИКОВ,
Бош прокуратура Академияси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор:

— Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидаги нутқи том маънода тарихий воқеа бўлди. Ушбу нутқдан келиб чиқиб, биринчидан, юридик фан йўналишида долзарб бўлган мавзуларни қайта шакллантириш, иккинчидан, ҳозирги кундаги муҳим мав-

зулар бўйича тадқиқотларни кучайтириш талаб этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд ҳокимияти борасидаги тадқиқот ишлари етарли эмас. Масалан, қарийб 30 йил давомида "12.00.07 — Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ва адвокатура" ихтисослиги бўйича атиги 2 нафар фан доктори ва 1 нафар фалсафа доктори диссертация ҳимоя қилган.

Янги ихтисослик шифрларини ишлаб чиқиш масаласи ҳам долзарб. Президентимизнинг нутқида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги кодексларни қабул қилиш таклифи илгари сурилганини назарда туტсақ, бугун ахборот ҳуқуқи ихтисослигини ташкил этиш зарурати юзага келмоқда.

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ — ХАЛҚАРО, МИНТАҚАВИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙГУНЛИГИ ТИМСОЛИ

Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ЮНЕСКОнинг "Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди:

— Ўзбекистон Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва миллий механизмлар уйғунлигига катта эътибор қаратилган.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг чиқишида инсон ҳуқуқлари соҳасига оид бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қайд этилгани бежиз эмас. Мазкур ҳужжатлар инсон ҳуқуқларининг аллақачон миллий ҳуқуқ чегарасидан чиқиб, халқаро ҳуқуқ қадриятига айланганини тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг Осиё

сий-маданий ёндашувлар негизда ўқитилганда унинг моҳияти янада яққол намоён бўлади.

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Раҳматулла МИРЗАЕВ,
Самарқанд давлат университети Юридик факультети декани, доцент:

— Ўзбекистон босқичма-босқич гендер сиёсатида мувозанатни сақлаш, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларни бўлмаган шахслар сонини камайтириш, сўз эркинлигини таъминлаш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм жорий этишга қўлдан машаққатли ва оғир йўлни босиб ўтди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугун Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бо-

Жумладан, мамлакатимиз Парламенти 1995 йил Аёлларга нисбатан барча турдаги тазийқларни тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилди. Ушбу халқаро ҳужжатнинг мазмун-моҳияти қўллаб-қувватловчи қўшма ҳужжатларда ўз аксини топди.

Айниқса, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳаётини яхшилаш, муаммоларини ҳал қилиш, иқтидори ва имкониятларини кўрсатишлари учун қўлай шароитлар яратилмоқда. Оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижада ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан бугунги кунда турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендер ҳабадорлигини оширишга қўмаклашиш, жинслардан бирининг устунилиги ҳолатига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этиш, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни ташкил этиш каби фаолият йўналишларида қўллаб-қувватловчи таълимнинг қўлдан келтирилиши муҳим.

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ — ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Гавҳар ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори:

— Бугунги кунда аввало инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштиришга эътибор қаратишимиз керак. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни тизимли ва узвий равишда амалга ошириш тақозо этилади.

Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан бевоқиф шугулланганидан мансабдор шахслар, яъни судьялар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим жуда муҳим.

Ушбу муассасаларнинг барчасида инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга ошириш учун ўқитувчилар, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва таълим соҳасидаги бошқа мутахассислар, уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шугулланувчи шахслар инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни билиши ва унга содиқ бўлиши керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари асосий манфаатдор тарафлар, жумладан, фуқаролик жамияти институтлари билан келишилган ҳолда ва ёшларнинг бевоқиф ва билвосита иштирокида ишлаб чиқиши зарур.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг узвий мониторингини жорий этиш жуда зарур. Мамлакатимиз вилоятларида ижтимоий сўров ўтказиш, анкета сўровномалари орқали маълумот тўплаш, шу билан бирга, Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида халқаро гуманитар ҳуқуқни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, таълим ресурслари — ўқитувчилар учун қўлланмалар, дарслиklar, ўқув-услубий қўлланмалар, видеофильмлар, шунингдек, аудиовизуал, бадий ва бошқа қўллаб-қувватловчи материалларга эътиборни кучайтириш даркор.

Давра суҳбатини Фулом МИРЗО ва Бобомурод РАЙИМОВ ёзиб олди.



Бундан ташқари олий таълимдан кейинги таълим институтларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш, диссертация ишларини амалга оширувчи талабгорларни олий таълимдан кейинги таълим институтларига бириктириш тартибидан айрим сунъий тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Докторант ва мустақил изланувчилар сони кўпайиб бораётган бир пайтда илмий раҳбарлар учун жорий қилинган чекловлардан воз кечиш каби муҳим вазифалар ҳам ечимини кутиб турибди.

Шу ўринда юридик фан соҳасида Инновацион ривожланиш вазириги томонидан танловсиз молиялаштиришга тавсия этиладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар тайёрлаш ишларини жадаллаштиришни, вазириги ҳузурида лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказадиган юридик фанлар бўйича алоҳида Илмий-техник кенгаш ташкил этишни таклиф қиламиз.

Бундан кўзланган мақсад — давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида назарда тутилган вазифаларни самарали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

расида барча учун очик. Чунки инсон ҳуқуқлари мамлакатда бош мақсадга айланди. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳодиса бутун жамиятда акс-садо бера бошлади. Бефарқлик, лоқайдлик барҳам топди.

Жамоатчилик назорати институти шаклланди. Оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва мавқеи кун сайин ортиб бормоқда. Натижада бирор-бир воқеа-ҳодиса халқимизнинг эътиборидан четда қолмапти.

Ушбу тарихий нутқ энг аввало, биз — ҳуқуқшунослар зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун жуда қисқа даврда инсон ҳуқуқлари борасида қўлга киритган ютуқларимизни кенг ҳалқ оmmasига етказиш мақсадида тарғиботчилар гуруҳини шакллантираемиз.

Нутқда белгиланган вазифаларнинг ижроси борасида амалий таклиф ва тавсиялар тайёрламоқдамиз. Ёшлар ҳуқуқи масаласига бағишлаган хорижлик ҳамкорларимиз билан халқаро миқёсда анжуман ўтказишга ҳозирлик кўраямиз.

Барча ислохотлар тақдирини белгиловчи ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигига алоҳида аҳамият қаратиш ниҳоятда муҳимдир. Шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда махсус дастур ишлаб чиқмоқдамиз.

ИНСОНЛАР ТЕНГ БЎЛИБ ТУГЎЛАДИ

Баҳриддин ТАЛАПОВ,
Наманган давлат университети Юридик факультети декани:

— Жаҳон миқёсида гендер тенгликни таъминлаш борасида кенг қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Бирок бугунги кунда ҳам дунё бўйича гендер тенгликни таъминлаш масаласи долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб аёлларга эркаклар билан тенг имкониятлар бериш борасидаги халқаро ҳужжатларни имзолаган.

ТУЗОФИ

у жабрланувчига 20 миллиард сўмлик зарар етказди



Бундан "унумли" фойдаланган фирибгарлар 2019 йил 25 март кун "Asia Alliance Bank" ва "Global-Medpres Asia" МЧЖ ўртасида 5-сонли кредит шартномасини расмийлаштириб, банкдан 3.000.000.000 сўм миқдоридан кредит маблағини олишга эришишди. Тадбиркорни бошлаб чув туширган фирибгарлар шундан сўнг турли баҳоналарни рўқча қилиб, уни сарсон қилади. Ниҳоят, токати тоқ бўлган Баҳромжон Насимов

Хитойнинг "Zhengzhou Dingsheng Machine Manufacturing Co.Ltd" компаниясига расмий хат билан мурожаат қилади. Бунга жавобан компания "Turon Capital Management LLC" компанияси ҳеч қандай ускунага буюртма бермагани ва ҳисоб рақамига пул ўтказилмаганини маълум қилади. Шундан сўнг Б.Насимов "Asia Alliance bank"дан "Turon Capital Management LLC" ташкилоти ҳисоб рақамига ўтказилган 2.056.254 АҚШ долларини қайтаришни сўрайди. Лекин муаммо ҳал бўлмади. Шундагина тадбиркор алданганини англаб, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига шикоят ариза билан мурожаат қилади. Оқибатда У.Зоиrowга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг

2020 йил 28 августдаги ҳукмига асосан фирибгар 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Ҳукмда судланувчидан жабрланувчи фойдасига 20.000.000 сўм моддий зарарни ундириш ҳам белгиланади.

Шу билан Б.Насимовнинг бошидан ташвиш ариган бўлса кошиқ эди. Афсуски, бундай бўлмади. Қарангки, бу орада Учкўприк тумани давлат солиқ инспекцияси Хитойнинг "Zhengzhou Dingsheng Machine Manufacturing Co.Ltd." компанияси билан тузилган шартнома бўйича ускуналар етиб келмагани ёки ўтказилган маблағ қайтарилмагани сабабли "Astoriya Invest" МЧЖга 6.335.701.200 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақида Қўқон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритди.

Суд ушбу даъво аризасини кўриб чиқишда Фуқаролик кодексининг 124-моддаси ва Иқтисодий процессуал кодексининг 73-моддаси талабларига риоя қилди. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг 2020 йил 28 августдаги ҳукмида "Astaria Invest" МЧЖ

ва "Turon Capital Management LLC" компанияси ўртасида тузилган ZZAG-2-сонли импорт шартномасининг қалбаки битим экани қайд этилгани ҳамда "Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисида"ги Низом талабларини инобатга олган ҳолда давлат солиқ инспекциясининг "Astoriya Invest" МЧЖга 6.335.701.200 сўм миқдориде молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги даъвосини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шу тариқа суд томонидан тадбиркорнинг манфаати ҳимоя қилиниб, бузилган ҳуқуқи тикланди. Зеро, қонун қинғирлик билан ҳеч қачон муроаса қилмайди. Бундан У.Зоиров ва И.Ниёзалиев сингари фирибгарликни касб қилиб олган кимсалар тегишли хулоса чиқарса, ажаб эмас.

Шухрат БАКАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди раиси
Шерзод МИРЗАХАКИМОВ,
Қўқон туманлараро иқтисодий суди раиси

Жиноят ва жазо

Фожиали якунланган НИЗО

у уч нафар фарзандни етим қолдирди

Оила — жамиятнинг муҳим бўғини. У қанчалик тинч ва тотув бўлса, жамият ҳаётида барқарорлик мустақкам бўлади. Акс ҳолда эса, оила қўрғони пароканда бўлиб, қўллаб моддий-маънавий муаммолар юзага келади.

Тўрақўрғонлик Дилмурод Сатторов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Дилором Сайдиева билан турмуш қуриб, уч фарзандли бўлишган. Аввалига уларнинг оиласи ҳавас қилгудек эди. Аммо 2008 йилда уларнинг оиласига дарз кетди — эр-хотин ажрашишди. Дилором ота уйига кўчиб кетди. Дилмурод эса, бошқа аёлга уйланди. Шундан сўнг бола таъминоти, кейинчалик уй-ҳодиса низоси бошланди.

Дилором Сайдиева Дилмурод Сатторов билан турмуши даврида биргаликда уй-жой қуришгани сабабли умумий мулкдан ўзининг улущини ажратиб олиш бўйича судга мурожаат қилади. 2018 йилда суд қарори асосида ўз улущига эга бўлади. Суд қароридан сўнг икки йил давомида улар қочиб олишга ҳаракат қилишган, аммо...
(Давоми 4-бетда) ►

Қадрият

Янгиланиш ва покланиш айёми

◀ (Бошланиш 1-бетда)

Аждодларимиз одам ўзи билан табиат ўртасига тўсиқ қўйса, уни бутун борлиқ билан боғлаб турувчи кўзга кўринмас илдизлар, қувват манбаларида узилиш пайдо бўлишини яхши билган. Шу боис байрам ва маросимлар табиатдаги ҳодисалар билан уйғунлашган. Афсуски, ХХ асрда "бўйсундирамиз, янги қонунлар очамиз", деган шиорлар остида инсон табиат билан ўзи ўртасида улкан жарлик пайдо қилди. Бу узилишлар экологияга ҳам таъсир қилди. Халқнинг удумлари, маросимлари, мақол, топшиқмоқлари, болалар ўйинларида инсоннинг табиат билан чамбарчас боғлиқ эканлиги гоёси ўз ифодасини топган. Бундай боғлиқликни нафақат танамиз, балки руҳимиз сезса-да, фақат ақлимиз ҳамма вақт ҳам англаб, идрок этмайди. Халқимизнинг қадимий байрами бўлган Наврўзнинг келиши ҳамша табиат билан бирлигимизни ёдимизда қайта тиклайди. Кун, тун, ҳафта, ойу йил даврийлигида қайтариливучи ҳалқа, йил давомида навбат билан алмашинувчи тўрт фасл бизга шундай сабоқ беради. Бу даврий алмашинув оқимини кузатиб, тажрибадан ўтказган аждодларимиз йилни икки кутб — ёз ва қиш мавсумига ажратган. Ёз сўзининг мағзида ёруғ кўнраунинг узайиши — куннинг ёзилиши ифодаланса, қиш сўзидаги қисилмоқ маъносида қуёшли кун-

ларнинг қисқариши акс этади. Табиатда ҳар икки мавсумнинг ўз вазифаси, ўрни бор. Уларнинг бири бўлмаса, мувозанат изидан чиқади. Мавлоно Жалолиддин Румий "Қишни уйкуда деб ўйламанг, қиш аслида йғилиш. Одамлар сарфни кўради, лекин йғилишни кўрмайди", дея таъкидлаган. Бу — чин ҳақиқатдир. Халқимиз қадимда кўкланми қиз, қишни йғит тимсолида тасаввур этган. Кўкланда табиат уйғонишини гул — бойчечак тимсоли сифатида қабул қилинган. Қишнинг кириши эса, борлиқдаги барча тирикликнинг етилиб, уруғга айланиши образидир. Шу маънода Наврўз таоми ҳисобланган сумалакнинг униб чиққан сўбугдой (уруғ) майсасидан, қиш таоми бўлган ҳалимининг уруғ ва гўштдан тайёрланиши бежиз эмас.

Наврўз — халқимизнинг урф-одатлари, асори атиқалари, маросимларида тизим сифатида намоён бўлиб келаётган қадимий қадрият. Эътибор қилинса, кўҳна гилам ва сўзаналарча қайта қайтарилган навбат билан алмашинувчи тўрт фасл бизга шундай сабоқ беради. Бу даврий алмашинув оқимини кузатиб, тажрибадан ўтказган аждодларимиз йилни икки кутб — ёз ва қиш мавсумига ажратган. Ёз сўзининг мағзида ёруғ кўнраунинг узайиши — куннинг ёзилиши ифодаланса, қиш сўзидаги қисилмоқ маъносида қуёшли кун-

никидек сингишиб кетган эмас. Наврўз табиат, халқ, оила ва одамнинг руҳини покловчи маросим. Инсоннинг руҳи покланса, жамиятда ҳам, оилада ҳам покланиш рўй беради. Наврўз ана шундай эзгуликка ҳизмат қилади.

Халқ орасида шундай айтим бор: "Неки кўнгилда кечар, табиатга кўчар". Бу — асрлар синовидан ўтган халқ ҳикмати. Одам кўнглини қанча эзгу ниятлар билан тўлдирса, атрофида ҳам эзгу ниятли одамлар кўпаяди. Агар ният қора бўлса, ёмонлик учрийдир. Одатда, борлиқдаги ҳамма нарса мумдайд эриб, покланадиган палла эски гиналар унутилади. Наврўз байрамнинг туб мазмун-моҳиятида "янгиликаниш, покланиш чоғида ҳар бир инсон эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалли бўлиши шарт" деган халқона фалсафа мужассам. Авестода илгар сурилган "Агар ўйинг, сўзинг, амалинг эзгу бўлса, комил инсон бўласан", деган гоё Наврўз фалсафасига гоёт ҳамоҳанг экани бу байрамнинг қадр ва тарихи қанчалик теранлигидан далолатдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Наврўзга муносабат ҳар бир даврда ўзгача кечган. Масалан, собиқ шўро даврида кўпбалқ қадриятлар қаторида Наврўз ҳам "қатагон" қилинган. Чунки халқнинг асл қадриятлари, унинг ўзлиги, ким экани, тарихи, маданий-маънавий бойлигини кўрсатувчи



қадриятлар шўро мафкура-сига зид эди. Лекин халқ бу байрамни унутиб юбормади, яширинча бўлса-да, нишонлашга ҳаракат қилди. Наврўзнинг аслидагидек байрам сифатида қадр топиши мустақилликдан сўнг амалга ошди. Мустақиллик бизга Наврўзнинг унутулган удум ва аъёнларни қайтариб берди. Эндилик-

да халқимиз уни чин кўнгилдан байрам қилмоқда. Бу орқали руҳий қувват олиб, янгидан-янги марраларни кўзламоқда. Яшариш, янгиликаниш, покланиш кўнглимиздан сўзу амалимизга кўчиб ўтмоқда.

Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари доктори



Халқимиз эшикдан келган меҳмонни атоий худо дея ҳурмат кўрсатади, унинг кўнглини олишга ҳаракат қилади.



Сабоқ

Жаҳлдор мезбон

салкам беш миллион сўм жарима тўлади

Ўтган йилнинг 3 ноябрь куни Оқдарё туманининг Қирқдархон қишлоғида яшовчи Шаҳзод Эргашев (исм-шарифлар ўзгартрилди) ота-боболаримиздан ўтиб келаётган ана шу қутлуг одатга хилоф иш тутди. У уйига келган Достон Ражабов ва унинг онаси Майсара Ғофуровани аввал куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлади, сўнгра уриб, тан жароҳати етказди.

Эҳтимол, сиз "қарс" бир қўлдан чиқмайдиган, ўртада бирон-бир келишмовчилик бордирки, Шаҳзод мезбонлик одатини четга суриб қўйиб, она-ўғилни шаъни ва қадр-қимматини камситган, уларни ҳақоратлаб, тан жароҳати етказган бўлса керак, деб ўйлашингиз табиий.

Ҳақиқатан ҳам, ўртада келишмовчилик бўлган. Бунга

ҳам ўз навбатида, ҳуқуқбузар Ш.Эргашевнинг ўзи сабабчи. Гап шундаки, Шаҳзод бундан биров олдинроқ Достон Ражабовдан "сенга ер олиб бераман" дея пул олган. Афсуски, у сўзининг устидан чиқмаган. Жабранувчи Д.Ражабов пулни қайтаришини сўраб, Шаҳзодга кўп марта учрашган. Охири унинг уйига жабранувчи, яъни онаси М.Ғофурова билан бирга келишга мажбур бўлган.

— Ер олиб беролмаганимдан сўнг пулни қайтаришимни айтгандим, — деди суд мажлисида сўралган ҳуқуқбузар Ш.Эргашев. — Улар яна уйимга келгач, пул устида жанжаллашиб қолдик. Жаҳл устида Достон билан Майсара онани ҳақоратладим, уларни уриб, тан жароҳати етказдим, қилмишимдан пушаймонман.



Самарқанд вилояти суд тиббий экспертиза бўлимининг 210 ва 212-сонли хулосаларида фуқаролар Д.Ражабов ва М.Ғофурованинг қасддан камситиб, уларни уриб, тан жароҳати етказишда ифодаланган ҳатти-ҳаракатлари маъмурий иш кириши қайд этилган.

Суд ушбу маъмурий ишни

билан ўз тасдиғини топди, деган тўхтамга келди.

Суд ҳуқуқбузарга нисбатан жазо тайинлашда оилавий шароити, моддий аҳволи, шахси, жабранувчиларнинг даъвоси борлиги, ўзаро ярашмаганини инобатга олди.

Суд Ш.Эргашевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлаб, кодекснинг 34-моддаси тартибида тайинланган жазоларни енглини оғири билан қоплаш йўли орқали базавий қисоблаш миқдорининг йигирма икки баравари, яъни 4 миллион 906 минг сўм жарима жазоси тайинлади.

Баён этилган воқеа кимларгадир сабоқ бўлишини истардик. Чунки ҳар қандай ҳолатда оғир-вазмин, мулоҳазали, ширинсўз, умумалалай бўлиш асло зиён қилмайди.

Илёс ДОНИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани суди раиси

Халқимиз азал-азалдан қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат, аҳил-иноқлик ва тинчлик-тотувлик каби олиманиб фазилатларни улуғлаб келган. Улар қон-қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, жамиятда мўътадил муҳит яратган. Бироқ ҳаётда мулк, уй-жой талашиб, етти ёт бегонага айланаётган оға-шилар, бир ҳовлига сиймай, кунаро жиққамушт бўлаётган овсинлар ҳам учраб турадики, бу ҳол кишини бешхитиёр ўйлантириб қўяди. Куйида баён этилаётган воқеа ҳам айнан шу ҳақида.

Турмуш чорраҳаларида

Дарз кетган оқибат

ёхуд бир ҳовли низоси

Шеробод туманининг "Таллимарон" маҳалласида истикомат қилувчи Сора Назарова (исм-шарифлар ўзгартрилган) умр йўлдоши вафот этгач, ўзига тегишли 0.13 га томорқа участкаси ва у ердagi уйни катта ўғли Бахтиёр Холбоев ҳамда қизи Барно Холбоева номига ҳада сифатида расмийлаштириб беради. Афсуски, шу кундан бошлаб оилани осойишталик кўтарилади. Чунки бу ҳовлида Сора оилани кичик ўғли Алишер Холбоев ҳам турмуш ўртоғи ва уч нафар фарзанди билан яшаб келаётган.

Ўз навбатида, Бахтиёр укасини оила аъзолари билан бирга ҳовлидан кўчириб юбориш чораларини излай бошлайди. Лекин укасининг кўчириб чиқадиган уй-жойи йўқ.

Ака-уканинг можароларидан хабар топган кўни-кўшни, маҳалла қайновилари, қариндош-уруғлар уларни инсофга чақириб, катта ҳовлида тинч-тотув яшашига ундашади. Бироқ Бахтиёр ва унинг турмуш ўртоғи сира муроаси-муроага келмайди.

Охир-оқибат ўзаро тортишув ва низолар шу даражага бориб етдики, Бахтиёр Холбоев укаси ва унинг оила аъзоларини мажбурий тартибда ҳовли-жойдан чиқариш учун судга даъво аризаси киритди. Суд тарафларнинг фикрларини атрофлича муҳокама қилиб, тегишли ҳужжатлар билан батафсил танишиб, ушбу низога ҳуқуқий баҳо берди.

Хусусан, Уй-жой кодексига белгиланишича, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар

уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилмаган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишига ҳақли бўлиб, оиланинг бошқа аъзоларини уй, квартира мулкдорларининг розилиги билан киритиши мумкин. Бундай вазиятда ҳам улардан турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори шуларнинг ичига қўйиб, оиланинг иштироки билан унинг собиқ аъзолари, яшунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, суд Бахтиёр Холбоевнинг укаси Алишер Холбоевнинг оила аъзолари билан мажбурий тартибда ҳовли-жойдан чиқариш ҳақидаги даъвосини қаноатлантиришни рад этиш хусусида ҳал қилув қарори чиқарди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳар қандай оқил киши ўз ақлини олдидаги инсонийлик бурчини биринчи раунгдаги вазифа деб билади. Қарерда бўлмасин, уларга мадад бўлиб, меҳр-мурувват кўрсатиш учун шошилади, ҳеч қачон улардан беминнат кўмагини аямайди. Аҳиллик бор жойда ҳеч қандай низога ўрин қолмайди.

Соҳиб РАҲИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди судьяси

Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири



Жиноят ва жазо

Ғожиали яқунланган низо

у уч нафар фарзандни етим қолдирди

◀ (Бошланиш 3-бетда)

Ўтган йили 8 июнь куни Дилмуроднинг уйига амакисининг хотини маҳалладоши билан кириб келиб, собиқ хотини Дилмурод Сайдиевадан ҳовлининг 6 сотих ер майдонини сотиб олганини айтиб, бу жойни бўшатишни талаб қилади. Аммо Дилмурод бу ҳолатга эътибор бермасдан ишлаш учун далага кетади.

Бироқ тушлик учун қайтиб келганида уйдаги анжомларнинг ҳар тарафга сочиб ташланганини кўриб, ғазаб отига минади. Шу пайтда собиқ хотини Д.Сайдиева келиб қолади ва улар ўзаро тортишиб кетади. Жанжал авжига чиққанида Дилмурод Дилоромнинг кўкрак ва қорин бўлишига бир неча мартаба пичоқ санчди. Оғир жароҳат туфайли Дилором ҳаётдан кўз юмади.

Суд мажлисида Д.Сатторов ўша куни кучли руҳий ҳаяжонда бўлгани, собиқ турмуш ўртоғини ўлдириш нияти бўлмаганини

қайта-қайта таъкидласа-да, аммо унинг бу важдари ўз исботини топмади. Чунки у бу ишни қасддан қилинганини гувоҳлар ҳам тасдиқлашди. Қолаверса, судга оид экспертиза хулосасида жиноятни содир этиш пайтида Д.Сатторовда ҳеч қандай руҳий бузилиш ҳолати аниқланмагани, аксинча, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ва уларни бошқариш қобилиятига эга бўлгани баён қилинган. Шу қаби ҳолатларни синчиклаб ўрганиб чиққан суд Д.Сатторовга 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Шу тариқа оиланинг пароканда бўлиши ғожиали яқун топди ва уч фарзанд етим бўлиб қолди. Улар узоқ вақт ота меҳридан ҳам мосуво бўлишди. Бу эса, улар ҳаётида оғир из қолдириши таин.

Жамшид МАЪМУРОВ,
Наманган вилояти суди судьяси

Икромжон ОРИҒЖОНОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2313-6323

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-315 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотува эркин нарҳда. Адади: 7610
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 3⁵⁵.